

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D. 12/30.12.2019.Ped.80.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

АБДУРАҲИМОВА ДИЛҲУЗАХОН АЛИЕВНА

**ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ ВОСИТАСИДА
МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим- тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1DSc/Ped89 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абдуллаева Барно Сайфуддиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Яқуббекова Мунаввар Мухамедовна
филология фанлари доктори, доцент

Қадирова Фатима Рашидовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 12/30.12.2019.Ped.80.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.:(99871)150–01–27; факс:(99871)150–01–27; Е-хат: mtm-malaka.oshirish@exat.uz

Диссертация билан Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва мутахассисларин қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150–01–27; факс: (99871) 150–01–27; Е-хат: mtm-malaka.oshirish@exat.uz.

Диссертация автореферати 2020йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Қ.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

Д.О.Химматалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.док. (DSc)

Н.Х.Раҳманкулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ ((DSc) докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон мактабгача таълим тизимида мактабгача ёшдаги болаларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахс қилиб тарбиялашда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиб, самарали таълим технологияларига асосланган таълим дастурларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланган ҳолда мактабгача таълим бўйича самарали ўқув режаси ва ўқитиш стратегияларини ишлаб чиқиш, тарбия тизимини жумладан; ақлий, маънавий-ахлоқий тарбияни фольклор намуналари орқали сингдириш, бу борада корейс, япон халқларининг фольклоридан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё халқларининг оғзаки ижодида маълум бир халқнинг педагогик ғоялари, дунёқараши, руҳий кечинмалари, маънавий-ахлоқий идеаллари, халқнинг ҳаётий тажрибаси, миллий анъаналари, кадриятлари ва фалсафаси ўзига хос йўсинда ўша халқнинг ибратли ва қизиқарли ҳикояларида, аллақўшиқлари, эртаклари ва ўғитларида тасвирланган. Бугунги глобаллашув жараёнида дунё миқёсида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг инновацион моделлари ва механизмларини ишлаб чиқиш, халқ оғзаки ижоди намуналарини педагогик технологиялар ва таълим стратегиялари билан ўзаро уйғунликда маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш, мактабгача ёшдаги болаларни соғлом муҳитда таълим ва тарбия олишларини таъминлаш, уларни бошланғич мактаб таълимига сифатли тайёрлаш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Республикамизда бугунги кунда мактабгача таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, фарзандларимизнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим, касб-ҳунарларни эгаллаши, маънан-ахлоқан, жисмонан етук инсонлар бўлиб улғайиши, ёш авлод қалбида Ватанга садоқат, фидойилик туйғуларини юксалтириш борасида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш”¹ устувор вазифа этиб белгиланган. Мана шу устувор вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизда мактабгача таълимни янада ривожлантириш, унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-595-сонли “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сонли “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Association for Educational Communications and Technology — АЕСТ (АКД1), Belfield pedagogical university (Германия), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Буюк Британия); Чунг-Анг университети (Жанубий Корея), Мияги педагогика университети (Япония), Таълим академияси (Россия), Тошкент давлат педагогика университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: маънавий-ахлоқий тарбия технологияларини ишлаб чиқишга доир халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг ташкилий ва стратегик механизмлари такомиллаштирилган (Association for Educational Communications and Technology — АЕСТ); мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий компетенцияларини шакллантиришга доир тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши механизмлари такомиллаштирилган (Belfield pedagogical university); мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-маърифий фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган, тарбиявий вазифаларини лойиҳалаш, маънавий-ахлоқий билимларни турли тарбиявий вазиятларда қўллаш имконини берадиган ижтимоий-психологик тренинглар тизими ишлаб чиқилган (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters

² Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. P. 176-188.; Инчхонская декларация “Образование-2030: обеспечение всеобщего инклюзивного и справедливого качественного образования и обучения на протяжении всей жизни” // <http://unesdoc.unesco.org/>; Ministère de l’Education Nationale, de l’Enseignement Supérieur et de la Recherche de France (2013): Lancement des Ecoles Supérieures du Professorat et de l’Education – Séminaire Préparatoire, Dossier de Présentation, Lundi 1er juillet 2013.

university); мактабгача ёшдаги бола шахси маънавиятини ривожлантиришнинг лойихавий - конструктив технологиялари ишлаб чиқилган (Чунг-Анг университети); мактабгача ёшдаги болаларда маънавий-ахлоқий тарбияни рус фольклори воситасида шакллантириш технологияси ишлаб чиқилган (Россия таълим академияси); халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш Тошкент давлат педагогика университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда таълимнинг эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, тарбияланувчиларнинг компетенцияларини шакллантириш методикаси ва замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш, мактабгача ёшдаги болалар маънавиятини шакллантириш бўйича қуйидаги йўналишларда устувор тадқиқотлар олиб борилмоқда: мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг фалсафий, психологик ва педагогик имкониятларини кенгайтириш; мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда фойдаланиладиган халқ оғзаки ижоди намуналарини танлаш, таснифлаш, уларнинг самарадорлигини аниқлаш; маънавий-ахлоқий тарбияни ривожлантириш методикаси мазмунини такомиллаштириш, уни қўллаш бўйича концептуал лойиҳалашга асосланган янги назарий концепцияларни ишлаб чиқиш; халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ўқув-методик ва дидактик таъминотини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама тарбиялаш муаммоси тарихий характер касб этиб, бу борада Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий каби мутафаккирлар томонидан яратилган илмий ва дидактик манбалар тарбия ишида муҳим аҳамиятга эга³.

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни ҳар томонлама ривожлантиришга оид тадқиқотлар ўзбекистонлик педагог, психолог, филолог ва файласуфлар: М.К.Абдуҳақимова, Ў.К.Адамова, З.Азизова, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, М.Якуббекова, М.Исмоилова, Р.Қодиров, Ф.Р.Қодирова, Д.Г.Бобоева, У.Бўтаева, К.Оқилова, Ф.Б.Валихўжаева, Ф.Н.Вахабова, Б.Р.Джураева, Ҳ.М.Тожибоева, Х.А.Умарова, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.О.Газиева, Л.Р.Мўминова, С.Т.Турғунов, С.Т.Исломова, М.Файзуллаева, Д.Ж.Шарипова, Қ.С.Шодиева, Ш.Шодмонова, П.Юсупова, Н.Джамилова, Г.Мардонова, М.Ю.Аюпова, З.Раҳимова, М.Рустамова, Д.Зайнутдинова, Н.Абдуллаева, Г.Назирова⁴ ва бошқ. томонидан олиб борилган.

³А.Навоий. Танланган асарлар.9-жилд. – Т.:Шарқ, 2010. –500 б.; Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993. - 224 б.; Абу Райҳон Беруний. Феруза (Жавохирлар ҳақида нақл ва хикоятлар). - Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт,1993. - 96 б.

⁴Якуббекова М. Ахлоқий тарбиянинг ибтидоси.– Андижон. 1986.-28 б. Қодирова Ф.Р.Мактабгача педагогика — Т.:«Тафаккур» 2019-685.; Муминова Л.Р. Теоретические основы коррекционно-педагогической работы по преодолению речевого недоразвития у детей дошкольного возраста (на

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик-психологик масалалари О.Мусурмонова, Р.Джураев, О.Жамолдинова, З.Исмаилова, У.Маҳкамов, Ш.Мардонов, М.Иномова, Н.Ортиқов, Б.Рахимов, Д.Рўзиева, Д.Шарипова, Н.Эгамбердиева, М.Қуронон, З.Солиевалар⁵ илмий ишларида болалар, ўспиринларда маънавийят, ахлоқ, миллий ғурур, маданиятни шакллантириш, оилада ва таълим ташкилотларида бола шахсини тарбиялаш, халқ оғзаки ижоди намуналарининг поэтик ва ўзига хосликлари ижтимоий-педагогик, антропологик ва акмеологик нуқтаи назардан тадқиқ қилинган.

Психолог олимлар М.Давлетшин, В.Каримова, Э.Ғозиев, Б.Қодировлар⁶ томонидан турли ёшдаги ўқувчиларнинг шахс сифатидаги камолоти ва халқ анъаналари воситасида бола шахсида миллий аксиологияни шакллантириш муҳимлигининг психологик масалалари тадқиқ этилган.

Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотлар Мустақил Давлатлар

материале узбекского языка): Афтореф. дис. д-ра пед. наук.-Т.:1992.-23с.; Мардонова Г. А. Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятлари Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) . дисс. – Т., 2019. – 159-б. Назирова Г.М. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштириш: Автореф. ... пед. фан.фалс док. (PhD) – Т., 2019.; Абдуллаева Н.Ш. Мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш: Автореф. ... пед. фан.фалс док. (PhD) – Т., 2019.

⁵Джураев Р. Таълимда интерфаол технологиялар. –Тошкент, 2010. – 87 б.; Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс. ... док. пед. наук. – Т.: УзНИИПН им Т.Н. Кары-Ниязова, 1995. - 43 с; Жамолдинова О. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш: Автореф. ... пед. фан. док. – Т., 2015.; Исмаилова З.К. Талабаларнинг касбий педагогик малакаларини шакллантириш: Дисс. ... пед. фан. ном. – Т.: 2000. – 186.; Маҳкамов У.И. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришининг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 1998. – 286 б.; Марданов Ш. Педагог кадрларни таълимий кадрятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари: Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2006. – 302 б.; Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед. фан. док. ... дисс. –Т.: 1993. -364 б.; Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. –Т.: Фан, 1993. -112 б.; Мусурмонова О. Маънавий кадрятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. - 97 б.; Мусурмонова О., Нишонова С., Қаршибоев М. Миллий истиқлол ғояси ва маънавийят асослари. 8-синф. Ўқув қўлланмаси. –Т.: 2001. -112 б.; М.Иномова. Оилада болаларни маънавий- ахлоқий тарбиялашда миллий кадрятлардан фойдаланиш. — Т., «Фан», 1995.; Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний кадрятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2000. – 305 б.; Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида касбий-маданий муносабатларнинг шаклланиши: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2004. – 160 б. Рўзиева Д. Олий таълим муассасаси талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2007. – 255 б.; Шарипова Д.Д. Научно – педагогические основы гигиенического воспитания учащихся: Автореф. ... дисс. док. пед. наук. –Т.: 1990.-47 с.; Шарипов Ш.С. Талабалар ихтирочилигини шакллантиришнинг педагогик шароитлари: Дисс. ... пед.фан.ном. – Т.: 2001. – 140 б. Эгамбердиева Н. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2010. – 332 б.; Қуронон М. Мафкуравий вазиятларни моделлаштириш – ғоявий тарбия воситаси. /”Педагогик таълим” ТДПУ илмий-назарий ва методик журнали. № 3 сон, 2000, 22-23 бетлар.; Қуронон М. Эзгу ғоялар рўёби. – Т.: Маънавийят, 2011, 157 б.; Салиева З.Т. Modern methods of forming spiritual and moral culture of a future teachers // Science and world international scientific journal. – Volgograd, 2016. – №.7. – P.82-83. (Global Impact Factor 0,543)

⁶ М.Г. Давлетшин. Кобилият ва унинг диагностикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 134 б.; Каримова В. Психология. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 204 б.; Нишонова З.Т., Алимова Г.К. Болалар психологияси ва психодиагностикаси Т.: ТДПУ 2017 – 264 б.; Дўстмухамедова Ш.А., Нишонова З.Т. ва бошқалар Ёш даврлари ва педагогик психология Т.: Фан ва технологиялар 2013 – 343 б.; Ғозиев Э. Ғ. Педагогик психология. –Тошкент: Университет, 2014.- 208 бет.

Ҳамдўстлиги (МДХ) ва хорижий мамлакатларнинг М.Монтессори, М.Н.Братухина, О.В.Акулова, Т.А.Котлякова, О.Н.Пишухина, Е.А.Авилова, А.Арушанова, М.Бакина, Н.М.Элиаш, Р.М.Эхаева, Е.В.Юдина, Э.Берн, Н.А.Васильева, Л.М.Волобуева, Ю.В.Гиппенрейтер, М.Чомаева, Н.Н.Жирнова, О.Л.Зверева, Т.Ф.Кузнецова, Е.К.Лютова, Н.Ньюкомб, Л.А.Парамонова, Е.Ю.Протасова, В.А.Сластенин, А.И.Мищенко, О.Солнцева, А.Фомина⁷ каби олимлар олиб бориб, уларнинг илмий тадқиқотларида мактабгача ёшдаги болаларни халқ оғзаки ижоди намуналар воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг назарий ва амалий муаммолари, замонавий шахсни тарбиялашда халқ педагогикаси ғоялари ва халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўрни ҳамда уларни турлаш маҳоратининг ўзига хосликлари ўрганилган.

Мактабгача таълим юзасидан турли соҳа олимлари томонидан илмий ишлар олиб борилган бўлишига қарамай, халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмагани, бу соҳада чуқур илмий ёндашувлар, янги билимларга бўлган эҳтиёжнинг зарурлиги мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетида 2015-2017 йилларда бажарилган КЛ-1-003 рақамли “Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқ оғзаки ижоди намуналарининг ижтимоий-ғоявий мазмуни, маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги тарбиявий таъсири, алла, эртак, мақол, топишмоқ сўзларининг этимологик маъноси, тадрижий ривожланишини педагогик нуқтаи назардан талқин этиш ҳамда болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг фалсафий, психологик ва педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

⁷ М.Н.Братухина. Устное народное творчества как средство формирования творческой активности. Автореф. ... дисс. кан. пед. наук. –М.: 2000.-47 с.; О.В.Акулова. Устное народное творчество как средство развития выразительности речи старших дошкольников. Автореф. ... дисс. кан. пед. наук. –Санкт-Петербург.: 1999.-49 с.; Т.А.Котлякова. Формирование выразительного образа под воздействием малых фольклорных жанров в рисовании старших дошкольников. Дисс. кан. пед. наук.–Ульяновск.:2001; О.Н.Пишухина. Влияние волшебной сказки на словесное творчество детей седьмого года жизни. Дисс. кан. пед. наук.– М.:2000.; Монтессори М. Мой метод. Руководство по воспитанию детей от 3 до 6 лет. – М: «Центрполиграф», 2014. -С. 416.; Монтессори М. Научная педагогика. В 2-х томах. – М.: «Образовательные проекты», «Речь», «Сфера», 2014. –С. 528.; Монтессори М. Помогите мне это сделать самому. – М.: «Карапуз», 2006. –С. 272.

мактабгача ёшдаги болаларни психологик-маънавий ривожланиши бўйича маънавий-ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган халқ оғзаки ижоди намуналарини дидактик мазмунига кўра танлаш, таснифлаш;

халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими компонентлари ва таянч компетенцияларини такомиллаштириш;

алла, эртак, топишмоқ, мақоллар воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш самарадорлигини оширишнинг механизмини такомиллаштириш;

мактабгача ёшдаги болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни, методи ва воситаларининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти мактабгача таълим ташкилотларида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришнинг мазмуни, метод, шакл, воситалари ва технологиялари.

Тадқиқотнинг усуллари. Сухбат, ижтимоий сўровнома, тест синовлари, педагогик кузатиш, тажриба-синов ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тадқиқот натижаларини математик статистика методи асосида қайта ишлаш ҳамда умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

халқ оғзаки ижоди намуналари (алла, эртак, топишмоқ, мақол сўзларининг этимологияси) тадрижий-тарбиявий шаклланиши мазмуни юксак маънавиятли шахсни тарбиялашга, тарихий, энциклопедик-психологик ҳамда фольклор манбаларидаги болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда қўлланилган медитация методларига устуворлик бериш асосида ривожлантирилган;

мактабгача ёшдаги болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида психологик-маънавий ривожланиш (эркалаш, ардоқлаш, яхшиликка йўналтирувчи, ўғит-насихат, орзу-умидга йўғрилган, таълимий алла, эртак, мақол, топишмоқлар) хусусиятлари халқ оғзаки ижоди намуналари турларининг интегратив хоссаларини (ижодий, эмоционал-рағбатловчи, вариатив ўқув топшириқлари) аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими компонентлари (аксиологик, қадриятли, тизимли-фаолиятли, ривожлантирувчи) ва таянч компетенциялари (билиш, ахборот, коммуникатив) мазмуни “Синквейн”, “Арт-технология”, “Event” технологиялари воситасида импровизация ва рефлексивлик тамойилларига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

мактабгача ёшдаги болаларнинг ёши, индивидуал психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни, шакли, методлари ва воситаларини ўзаро мувофиқлаштириш асосида Event-технологиясини қўллашнинг методик тизими ишлаб чиқилган ва уни жорий этиш механизми илмий асосланган;

“Болажон”, “Илк қадам” Давлат ўқув дастурлари асосида халқ оғзаки ижоди намуналари — алла, эртак, мақол, топишмоқлардан фойдаланиб, тарбияланувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги асосланган;

халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг дидактик имкониятларидан компетенциявий ёндашув асосида мактабгача таълим педагогикаси ўқув дастурини такомиллаштиришда фойдаланилган;

“Мактабгача таълим ташкилоти – оила – маҳалла” ҳамкорлиги, халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мезонлари, таълимий ўйинлар, интерфаол методлар ва ўйин технологияларидан фойдаланиш муаммоларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда оила, маҳалла ва мактабгача таълим ташкилоти билан ҳамкорликда “Болани бешикка белаш”, “Алла айтай жоним болам”, “Аллаларнинг сеҳрли кучи”, “Болангизга эртак айтиб берасизми?”, “Эртакларга яширинган сеҳр”, “Эртаклар – яхшиликка етаклар”, “Мақолларнинг тарбиявий аҳамияти”, “Мақолларда ватанпарварлик ғояси”, “Топишмоқ – бу сирли жумбоқ” мавзуларида таълимий-тарбиявий тадбирлар, кўрик-танловлар жорий этилди;

МТТ педагог-тарбиячилари ва оналарнинг болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида тарбиялаш бўйича билим, кўникма, малакалари ва болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлиги даражасини аниқлаш мезони ва унинг кўрсаткичлари ишлаб чиқилди;

“Мактабгача ёшдаги болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси асослари” номли монография, “Аждодлар ўғити – тарбия ибтидоси”, “Халқ оғзаки ижоди — маънавий тарбия воситаси”, “Бургут-пат” илмий-оммабоп рисоалари мактабгача таълим амалиётига жорий этилган;

халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни ва методлари бўйича методик тавсия ва услубий қўлланмалар тайёрланган ҳамда мактабгача таълим ташкилотларида ўтказиладиган машғулотларга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий

тарбиялаш борасида маҳаллий ва хорижий манбалар қиёсий-таҳлилий ўрганилганлиги; тадқиқотнинг мазмуни ва асосий йўналишлари назарий жиҳатдан асосланганлиги; тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги ва илмийлиги, амалга оширилган тадқиқот натижасида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга оид назарий ёндашувлар, қарашлар, илмий-методик, педагогик тавсиялар билан мактабгача таълим педагогикаси фани бойитилганлиги; мақсадга мувофиқ тадқиқотнинг объекти ва предмети белгиланганлиги, вазибалари аниқ қўйилганлиги; илгари сурилган илмий ғоялар педагогик тадқиқотларга мос тарзда ташкил этилган тажриба-синовдан ўтказилганлиги ҳамда уларнинг самарадорлик даражаси экспериментал тарзда тасдиқланганлигида ўз аксини топганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти мавзу доирасидаги изланишлар натижасида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг фалсафий, педагогик-психологик асослари, халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакл, метод ва воситалари, оила – маҳалла – мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорлиги асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик-ташкिलий тузилмаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижалари, асосий қоидалари ва тавсиялари “Мактабгача таълим педагогикаси”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Оила педагогикаси”, “Мактабгача таълим психологияси” фанларни мазмунини такомиллаштиришда, шунингдек, мактабгача таълим ташкилотларида ўтказиладиган машғулотларда; халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш нуқтаи назаридан педагогик таъсирини тўлиқ, аниқ мақсад асосидаги йўналтиришни таъминлашда; ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича кадрлар тайёрлаш тизимидаги тегишли факультетларда маърузалар ўқишда; мактабгача таълим тизимида фаолият кўрсатаётган тарбиячилар, методистлар, мудираларнинг малака ошириш курсларида самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни оилада ва мактабгача таълим ташкилотларида маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришга оид тавсиялар “Педагогик маҳорат” дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 89-03-3942-сон маълумотномаси).

Натижада мактабгача ёшдаги болаларнинг компетенцияларини ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифларидан халқ оғзаки ижоди жанрларини танлашнинг дидактик талабларини модернизациялаш имкони кенгайтирилган;

халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш компонентлари мазмунини тарбияланувчиларнинг ижодий, билиш, ижтимоий-ҳиссий, коммуникатив ва жисмоний ривожланиш соҳалари мазмуни билан ўзаро интегратив уйғунлаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мх буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари мазмунига сингдирилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 28 август 03-02/ 1-1213-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача ёшдаги болаларга маънавий ва ахлоқий тарбия бериш орқали таянч компетенциялар мазмунини такомиллаштиришга эришилган;

халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни оилада ва мактабгача таълим ташкилотларида маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими компонентлари (аксиологик, қадриятий, тизимли-фаолиятли, ривожлантирувчи) ва таянч компетенциялари (билиш, ахборот, коммуникатив) мазмуни “Арт-технология”, “Event” технологиялари воситасида импровизация ва рефлексивлик тамойилларини такомиллаштиришга оид тавсиялар ИТД-1-62 рақамли “Болаларни тарбиялашда оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 28 август 03-02/ 1-1213-сон маълумотномаси). Натижада оила ва мактабгача таълим ташкилотларида болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда тарбиячи-педагог ва оналарнинг методик қўлланмалар билан таъминланиш самарадорлиги ортган;

мактабгача ёшдаги болаларнинг ёши, индивидуал психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни, шакл ва методлари, воситаларини ўзаро мувофиқлаштириб, Event технологиясини қўллашнинг методик тизими ва уни жорий этишни ривожлантиришга оид тавсиялар 2015-2017 йилларда бажарилган А-5-37-рақамли “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиа интеллектуал ўйинлар” мавзусидаги амалий лойиҳада белгиланган вазфиларни бажаришда фойдаланилган (Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 13 августдаги 02-04/528-сон маълумотномаси). Натижада халқ оғзаки ижоди намуналари алла, эртак, мақол, топишмоқлардан фойдаланиб, тарбияланувчиларда

маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришни мақсадли йўналтиришга доир Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ва “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг фаолиятини такомиллаштириш самарадорлиги ортган;

халқ оғзаки ижоди намуналари алла, эртак, мақол, топишмоқлардан фойдаланиб тарбияланувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришни мақсадли йўналтиришга доир “Болажон”, “Илк қадам” Давлат таълим таянч дастурлари асосида ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялар “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат талаблари мазмунига сингдирилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 28 август 03-02/1-1213-сон маълумотномаси). Натижада ёшлар ўртасида узлуксиз маънавий тарбия концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда “Миллий ғояни ривожлантириш” концепцияси тарғиботини амалга ошириш имконияти кенгайган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларда ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон”, “Тошкент”, телеканаллари ва “Ёшлар” радиосида эфирга узатилган кўрсатув ва эшиттиришларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, шу жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (DSc) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, шундан 18 та республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, тўртта боб, 240 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зурурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилиш даражаси ёритилган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни ахлоқий тарбиялаш, уларда дастлабки хулқ-атвор, одоб маданияти шакллантириш ижтимоий зарурият эканлиги ҳамда 3-7 ёшгача бўлган болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг фалсафий, миллий-маънавий ва педагогик-психологик концептуал асослари ва омиллари ёритиб берилган.

Маълумки, мактабгача ёшдаги боланинг онгига сингдирилган билим ва маънавий қадриятлар унинг келгусидаги ҳаётини белгилаб бериши сабабли ўзаро ва оиладаги муносабатлар, яқин кишиларга ғамхўрлик қилиш, болалар тарбиясида миллий тарбия усуллари ва замонавий педагогларнинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш, уйғун ривожланган бола шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум. ... Фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик кўшиғидир”⁸.

Мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарвар, инсонпарвар, меҳнатсевар, маънан етук, ахлоқан юксак инсонлар бўлиб вояга етиши кўп жиҳатдан оилада ва мактабгача таълим ташкилотида уларга берилган мана шу болалик кўшиғи бўлган фольклор асарларидан таълим-тарбия тизимида самарали фойдаланишга боғлиқдир.

Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида қабул қилинган “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”да ҳам ўз аксини топган⁹.

⁸Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. –Тошкент, 2019. 7 апрель. – № 68.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори. /Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2019 й., 07/19/4307/3079-сон/.

Концепциянинг бешинчи бобида айнан мактабгача таълим тизимида узлуксиз маънавий тарбияни амалга ошириш, бу даврдан бошлаб болаларда ижобий хулқ мотивларини, «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» туйғусини шакллантириш, уларда давлат рамзларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, ўғил болаларда мардлик, шижоат, миллий ғурур, қатъият, тадбиркорлик, орият, қиз болаларда ибодат, ҳаё, қаноат, меҳнатсеварлик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда «Бола азиз, одоби ундан азиз» мавзуида эртақ, матал, афсона, дoston, мақоллардан фойдаланиб, МТТ тарбиячи-педагоглари ва ота-оналар учун алоҳида услубий ишланмалар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бугунги куннинг муҳим вазифалари сифатида белгилаб берилди.

Диссертацияда бу ёш даври болаларига бериладиган маънавий-ахлоқий тарбия бевосита М.Кошғарий, У.Кайковус, А.Н.Форобий, ал-Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, А.Навоий каби шарқ мутафаккирларимизнинг нодир асарларида келтирилган алла, эртақ, мақол, топишмоқларга ва халқ тилидан ёзиб олинган халқ оғзаки ижоди намуналарига устуворлик бериш асосида сингдирилиши ёритиб берилган.


Мактабгача таълим муассасасининг “Илк қадам” Давлат ўқув дастурида белгиланганидек, ўқув-тарбиявий жараённинг мақсади болаларда умумий асосий компетенциялар ва ривожланиш соҳалари компетенцияларини шакллантириш учун тегишли шароитлар яратишдан иборат. Мазкур ҳужжатда мактабгача ёшдаги (6-7 ёш) боланинг умумий муҳим 4та компетенцияси акс эттирилган: коммуникатив компетенция – мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш; ўйин компетенцияси – боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиш, у ўқув-тарбиявий жараён учун асос ҳисобланади; ижтимоий компетенция – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлари билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ўзини тутиш; билиш компетенцияси – атроф олами оғли идрок қилиш ва олинган билим, кўникма, малака ва қадриятлардан ўқув ва амалий вазифаларни бажариш учун фойдаланиш.

Тадқиқотда мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий компетенция – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлари билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларини болалар халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида эгаллаб бориши тўғрисида қатъий хулосага келинган. Мактабгача даврдан бошлаб болаларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш кўп босқичли ва мураккаб жараён бўлиб, бу жараён технологик ёндошувни талаб қилади. Тадқиқот ишини олиб боришда халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими Event-технологияси асосида такомиллаштирилди.

Бу технологиянинг энг эътиборли томони шундаки, у воқеалар ривожига болаларда дастлабки одоб-ахлоқ кўникмаларини,

коммуникативлик, креатив фикрлаш, лидерлик сифатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштиришнинг Event-технологияси қуйидаги жадвал асосида ишлаб чиқилди (1-расм).




1-расм. Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштиришнинг Event-технологияси

Мактабгача ёшдаги болаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришга инновацион ёндашув имконияти тарбия жараёнининг ўзида, унинг кўп омиллилиги – кўп омиллар таъсирига учраши, натижаларнинг тез намоён бўлмаслиги, тарбиячи фаолиятининг (бевосита ёки билвосита) йўналтирилганлиги, кўп босқичлилиқ билан боғлиқ равишда мужассамдир. Кўп босқичлилиқ тарбияланувчининг у ёки бу сифат ҳақидаги тасаввур даражасидан тушунчага ва кейинроқ ўзлаштирилганларига мувофиқ ҳаракат

қилиш кўникмасини ва тўғри хулқ-атвор одатларини шакллантиришга ўтиш билан тавсифланади. Бунда тарбия жараёни ва унинг босқичлари мураккаб ва ўзига хос хусусиятларга эга эканини ҳамisha назарда тутмоқ лозим бўлади.

Мактабгача ёшдаги болаларга халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг ўзига хос йўналганлик жиҳатлари, тузилиши ва ташкилий шакллари мавжуд (2-3 расмлар).



2-расм. Халқ оғзаки ижоди намуналарини мактабгача ёшдаги болаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг такомиллаштиришга йўналганлик жиҳатлари

Халқ оғзаки ижоди намуналарини мактабгача ёшдаги болаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг такомиллаштиришга йўналганлик жиҳатлари маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришда қуйидаги масалаларни ижобий ҳал этишга олиб келди: ижтимоий-маданий

хаёт билан боғлиқликда мактабгача ёшдаги болаларни ривожланиш жараёнига қараб, халқ оғзаки ижоди намуналарини классификация қилиш орқали фалсафий, психологик, педагогик, ижтимоий ёндашувнинг мазмун-моҳиятини англашга эришилди; халқ оғзаки ижоди намуналарига йўғрилган маънавий-ахлоқий кадриятлар, эътиқодлар ва хулқ-атвор кўникмаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда халқ оғзаки ижоди намуналарига таяниш зарурлиги асосланди; халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларда маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик, инсонпарварлик, экологик, нафосат, миллатлараро тотувлик хислатларини шакллантириш ижобий самара бериши аниқланди; халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болалар шахсини ҳар томонлама камол топишининг мазмунли тавсифи, таълимий, тарбиявий, ахлоқий фаолиятга йўналганлик жиҳатлари такомиллаштирилди.



3-расм. **Шахсни ривожлантириш соҳасига йўналганлиги ва тузилиши, ташкилий шакллари**

Халқ оғзаки ижоди намуналарининг бола шахсини ривожлантириш соҳасига йўналганлиги ва тузилиши маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришда қуйидаги масалаларни ижобий ҳал этишга олиб келди: халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларда

дастлабки тушунча, малака, одатлар шакллантирилди; халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбия беришга анъанавий ва ноанъанавий ёндошув асосида тенгқурлари орасида ўз-ўзини тарбиялаш, дастлабки хулқ-атвор маданиятини амалга оширишга эришилди; бу жараёни амалга оширишда бола шахсини маънавий-ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган ташкилий шакллардан мақсадга мувофиқ фойдаланилди; тарбияланувчига ёндашув ва тарбиявий ўзаро ҳаракат тавсифи — бола шахсини маънавий-ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган модернизацион йўналиши ва анъанавий тарбиявий тизимга муносабати шакллантирилди; халқ оғзаки ижоди намуналарига йўналтирилган функцияни кучайтириш асосида мактабгача ёшдаги бола шахсини ривожлантириш соҳасига йўналганлиги ва тузилиши самарадорлиги таъминланди.

Шунингдек, тадқиқотда халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш технологиясининг қуйидаги тўрт босқичи кўрсатиб ўтилган.

1. Мотивацион босқич – тарбияланувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар билан йўғрилган халқ оғзаки ижоди намуналарини тинглашга қизиқиш, эҳтиёж ва истакни қарор топтиришга қаратилган жараён.

2. Мазмун босқичи – халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларда шакллантирилиши лозим бўлган маънавий-ахлоқий фазилатларга доир тасаввур, тушунча ва билимлар мажмуини ишлаб чиқиш.

3. Фаолиятли босқич – мактабгача ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида шакллантирилиши лозим бўлган маънавий-ахлоқий фазилатларга доир аниқ вазиятлар, фаолият шакллари яратиш орқали уларни амалий фаолиятга жалб этиш.

4. Қадриятли босқич – мактабгача ёшдаги болалар томонидан эгалланган маънавий-ахлоқий фазилатларни қадриятга айлантириш, уларда мустаҳкам эътиқодни шакллантириш мақсадида ташкил этилувчи жараён ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг фалсафий (ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий), педагогик-психологик омиллари тасниф қилинди. Жумладан, фалсафий омиллар ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий жиҳатдан таҳлил этилиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, ватанпарварлик, миллий-маданий мерос, маънавий ва маданий қадриятлар, халқ оғзаки ижоди жанрлари ва ўзбек халқ педагогикасини ўз ичига қамраб олди. Психологик омиллар интеллектуал, эмоционал ва мотивацион соҳа билан алоқадорликда таҳлил этилиб, мактабгача ёшдаги болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда мотив, мақсад, ҳис-туйғулар, шахсининг

сифатлари, рефлексиянинг ўрни тадқиқ этилди. Педагогик омилларга эса миллий тарбия, тарбия парадигмалари, деонтологик тайёргарлик кабилар киритилди.

Мазкур омиллар таҳлили мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқ оғзаки ижоди намуналаридан кенгрок фойдаланиш лозимлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда алла кўшиқларининг ижтимоий-ғоявий мазмуни ва тарбиявий таъсири, халқ эртақларидан мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда фойдаланиш мазмуни ва халқ мақоллари воситасида мактабгача ёшдаги болаларда дастлабки хулқ-атвор маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик мазмуни ёритиб берилди.

Алла – болани ухлатиш жараёнида яккахонлик услубида айтиладиган кўшиқ. Ўзбек, уйғур ва тожик халқлари орасида “алла” номи билан юритилади. Одатда оддий куйлар билан, баъзида речитатив тарзда, бешик ёки беланчакни тебратиш суръатига мос равишда ижро этилади. Матни, асосан, тўртлик; ижро услуби эркин, бадихағўй. Алла онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, умид ва орзулари, ўғит-насихатлари, яхши ният ва тилақларини, руҳий кечинмаларини ҳам ифодалайди. Алла бола туғилган кунидан бошлаб оилада асосан, оналар, ўрни билан бувилар, эгачи, янгалар, баъзан оталар томонидан айтилган халқ кўшиғидир.

Аллаларнинг мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги хусусиятлари ва уларни ўрганиш тажрибасини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин: 1). Алла болаларни руҳий-ҳиссий, маънавий-ахлоқий тарбиялашда муҳим тарбия воситаси ҳисобланади. 2). Алла воситасида бола атроф-муҳит, ижтимоий борлиқ билан таништирилади. 3). Аллаларда фақатгина эзгу-ғоялар куйга солинади, бу болаларда тинчлантирувчи, ором бахш этувчи хусусиятга эга бўлади. 4). Алла куйланганда болада меҳр-муҳаббат, самимият, умид, ишонч, орзумандликнинг илк куртақлари шакллантирилади.

Эртақ – халқ оғзаки поэтик ижодининг асосий жанрларидан бири; тўқима ва уйдирмага асосланган сеҳрли саргузашт ва маиший характердаги эпик бадиий асар. Мактабгача ёшдаги болаларга айтиб, ўқиб, ҳикоя қилиб бериладиган эртақлардан кўзланган мақсад, биринчидан, болаларни инсоний фазилатлар асосида тарбиялаш бўлса, иккинчидан эса, болаларни дунёқарашини ўстириш, уларда диққат, хотира, тасаввур ва мотивларни шакллантиришдан иборатдир.

Диссертацияда мактабгача ёшдаги болаларнинг маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний, психик ривожланишларига мос келадиган, ўзида

маънавий-ахлоқий сифатларни жам қилган эртақлар классификацияланган. Бу эртақларда ўртоқлик ва дўстликнинг олижаноблиги, камтаринлик, сахийлик, тўғрисўзлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик фазилатларини тарғиб қилувчи жараёнларни айнан мактабгача ёш давридан бошлаш ва унга амал қилиш зарурлиги тарғиб қилинади ва болалар шу эртақдаги ижобий образлардан намуна олишга ундалади.

Мақол халқ оғзаки бадиий ижодининг кенг тарқалган жанрларидан биридир. Мақоллар асосан ҳаётий тажрибалар асосида майдонга келади. Асрлар бўйи оғиздан-оғизга ўтиб келаётган мақолларда кенг меҳнаткаш халқ оммасининг дунёқараши, жамият ва меҳнатга муносабати, ота-онага ҳурмат ва Ватанга чексиз садоқат мотивлари мужассамлашган. Шунингдек, мақолларда халқ орзу-умидлари, инсонпарварлик ҳислари уфуриб туради.

Мақоллар мавзу жиҳатидан бой, хилма-хил ва ранг-барангдир. Уларда она-Ватанни севиш, дўстлик, биродарлик, душманга нафрат, ахиллик ва бирдамлик ғоялари, яхшилик, ҳалоллик, тўғрилиқ ҳамда ростгўйлик улуғланади, ёмонлик, ёлғончилик ва қаллоблиқ эса қораланади.

Тадқиқотда машғулотларда мақоллардан фойдаланиш болаларнинг нутқ малакасини шакллантириши, уларда ҳаётий тушунчаларнинг бойитиши, энг асосийси, ҳар бир мақол мазмунидаги инсоний фазилатлар; ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ота-онага ҳурмат, кичикларга иззат, дўстлик ва уни қадрига етиш, камтаринлик, ростгўйлик, ҳалолликка ўргатиш ва аксинча, ёмон иллатлардан ҳоли бўлишга даъват этилиши масалалари ўз аксини топган.

“Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланишнинг мазмуни ва методикаси” деб номланган учинчи бобида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий камолотида оила ва мактабгача таълим ташкилотларида ўрганиладиган топишмоқ, топишмоқли эртақларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти, мактабгача таълим ташкилотларида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакл ва методлари, мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда оила ва мактабгача таълим ташкилотининг ҳамкорлиги ёритиб берилади.


Топишмоқ азалдан халқ педагогикасининг олий намунаси ҳисобланади. Зеро, халқ оғзаки ижодининг энг қадимги ва энг фаол жанрларидан бири ҳам топишмоқ ҳисобланади. Топишмоқлар инсон, ижтимоий ҳаёт ва табиат ҳодисалари билан чамбарчас боғланган бўлиб, ҳаммавақт реал заминга асосланади. Унда атрофимизни ўраб турган моддий дунёдаги турли нарсалар акс этади. Ҳар бир топишмоқ ўзига хос шакл ва мазмунга эга бўлган мустақил бир асардир. Унда фалсафий, тарихий, этнографик белгилар, тушунчалар, ҳодисаларнинг моҳияти ниҳоятда гўзал образли ифодалар билан акс эттирилади.

Топишмоқ айтиш, асосан, болаларнинг сўз бойлигини ошириш, ҳаёт ва унинг ходисалари ҳақидаги тушунчалари ва тасаввурларини, идроки ва мулоҳаза қобилиятини кенгайтиришда тарбия воситаси ҳисобланади. Улар тарбияланувчиларни кўпроқ нарса ва буюмларни, табиат ва унинг ходисаларини идрок қилишга ёрдам беради. Диссертацияда мактабгача ёш даврида болаларга топишмоқ айтиш, унинг жавобини топиш ва хулосалар чиқариш болаларни фақатгина ўша айтилаётган топишмоқнинг жавобини топиш учун ҳаракат қилишидагина эмас, балки болалар ўртасида бир-бирига меҳр, дўстлик, ўртоқлик, ҳамжихат бўлиб яшаш кераклиги ҳақида фикрлар билдирилган.

МТТда халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараёнларни такомиллаштиришда МТТ педагог-тарбиячилари томонидан болаларни маънавий-ахлоқий тарбиясида амалга ошириладиган ишларнинг мазмун-моҳияти ва йўналишига кўра режалаштириш ва ташкил қилиш функциялари қуйидаги жараёнларда амалга оширилади: мақсади, вазифаси ва шаклига кўра турли машғулот ва учрашув, суҳбат жараёнларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш; моделлаштириш, яъни ташкил қилинадиган педагогик жараёнларда тарбияланувчиларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиш ва уларнинг имкониятларини инобатга олган ҳолда фаоллигини таъминлаш бўйича вазифаларни олдиндан белгилаш; яратилган шарт-шароитлар ва мавжуд вазиятларга кўра тарбияланувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаларини назорат қилиш, ибрат, намуна кўрсатиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида рағбатлантириш.

Тадқиқот жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнининг ишлаб чиқилган педагогик-ташкилий тузилмаси (моделли)ни амалиётда тўлиқ жорий этиш орқали МТТда ташкил қилинган тарбиявий тадбир, машғулотлар, оилавий маросимлар натижасида педагогик самарадорликка эришилди.

Ушбу моделнинг амалиётга татбиқ этилиши мактабгача ёшдаги болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришдаги устувор масалаларни ижобий ҳал этишга олиб келди: халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришда фалсафий, психологик, педагогик, ижтимоий ёндашувнинг мазмун моҳиятини англашга эришилди; маънавий-ахлоқий тарбия тизимини такомиллаштиришда халқ оғзаки ижоди намуналари таяниш зарурлиги асосланди; мактабгача ёшдаги болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда “Синквейн”, “Арт-технология”, “Event” технологияларини қўллашнинг методик тизими ишлаб чиқилди ва уни жорий этиш механизми илмий асосланди.



4-расм. Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизimini такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик модели

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшидаги болаларни ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга асосланиб, ижодий ривожланиш, билиш жараёнини ривожланиши, нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари, ижтимоий-ҳиссий ривожланиш компетенцияларинг ривожланишига халқ оғзаки ижоди намуналари ижобий самара бериши аниқланди; халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришда қўйидаги методлар: лойиҳалаштириш, интегратив, вариатив, тушунтириш, уқтириш суҳбатлашиш, рағбатлантириш, ибрат кўрсатиш, жазолаш, психологик ёрдам тренинглари, Event ва ўйин технологиялари, саёҳат, муаммоли вазият яратиш, психологик ёрдам кўрсатиш, тренинглари ташкил қилиш ижобий самара бериши аниқланди; халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларга маънавий-ахлоқий тарбиялашда қўлланилган воситалар: матнли воситалар (халқ оғзаки ижоди намуналари жамланган, махсус адабиёт, тарқатма материаллар ва х.к.); тасвири воситалар (фотосуратлар, расмлар, ва х.к.); аудио ва видео воситалар (алла,эртақ, топишмоқ, мақоллар асосида ишланган иллюстратив расмларлар, ёрдамчи (жихоз) воситалар (доскалар (магнитли доска), видео проекторлар, видеопроектор доскаси, компьютерлар ва х.к.) фойдаланиш зарурлиги аниқланди; халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларга маънавий-ахлоқий тарбиялашда қўлланилган шакллар:турли тадбирлар, ота-оналар билан ҳамкорлик, давра суҳбати, якка, жуфт ва гуруҳларда ишлаш, МТТ да ташкил қилинадиган турли машғулотлар ташкил этилди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори ижроси асосида мактабгача таълим-тарбия тизимида узлуксизлик, узвийлик тамойилларига таянган ҳолда болаларни маънавий тарбиялаш бўйича асосий йўналишлар белгиланди; халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларда Ватанга садоқат, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, масъулиятлилиқ, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни болалиқдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш амалга оширилди; тарбияланувчи шахсининг индивидуаллиги ва ноёблигини эътиборга олган ҳолда таълим-тарбия мезонлари асосида педагогик жараённи технологик ташкил этиш ижобий самара бериши аниқланди; болаларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатувчи субъектлар оила, маҳалла ва МТТ билан педагогик ҳамкорлигига қўйиладиган талабни аниқлаштириш мезонлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштиришда оила, маҳалла, мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорлиги механизмини ҳаётга татбиқ этиш

Ўзининг ижобий самарасини берди. Ҳамкорлик тизими асосида ўтказилган тарбиявий тадбирлар мактабгача ёш даврида маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга онгли муносабатни таркиб топтириш, жисмоний соғломлик, соғлом тафаккур, соғлом дунёқараш, маиший-турмуш одоби, овқатланиш одоби, кийиниш тартиб-қоидалари, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, маънавий кадриятларга ҳурмат кабиларни ривожлантиришга хизмат қилиши аниқланди; халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида гўдаклик давридан 3-4 ёшгача бўлган даврда саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш, яхши ва ёмон тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар, мумкин, мумкин эмас, тушунчалар, маънавий-ахлоқий кўникмалари, одатлари, ўзи туғилиб ўсган уйи, оила-аъзоларига, атроф-муҳитга, меҳнатга, инсонларга, меҳр-муҳаббат, орият каби маънавий-ахлоқий билим, кўникма ва одатлар шакллантирилди; халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида 5-7 ёшгача бўлган даврда эса ўзи туғилиб ўсган Ватанига, ота-онасига, дўстларига меҳр-муҳаббат шакллантирилади; интизом, ўзини тута билишлик, камтаринлик, ростгўйлик, сахийлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, гўзалликни ҳис қила олиш, турли салбий таҳдидларга ўз муносабатини билдира олиш, мардлик, шижоат, қатъият, зукколик, жасорат, гўзаллик, олижаноблик, меҳр-шафқат каби дастлабки тушунча ва хулқ –атвор маданиятини ривожлантиришга хизмат қилиши аниқланди.

Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришда оила, маҳалла, МТТ ҳамкорлиги механизмини ҳаётга татбиқ этиш ўзининг ижобий самарасини берди.

Диссертациянинг **“Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш юзасидан тажриба-синов ишлари ва уларнинг самарадорлик даражаси”** деб номланган тўртинчи бобда тажриба-синов ишлари ва уларнинг самарадорлик даражасининг ташкилий-педагогик жиҳатлари тадқиқ этилган ҳамда экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқот муаммосига оид манбаларни ўрганиш натижасида шакллантирилган назарий хулосалар, амалиётни кузатиш натижалари, тадқиқотда илгари сурилган илмий ғояларнинг самарадорлик даражасини экспериментал синаб кўриш мақсадида тажриба-синов ишлари ўтказилди.

Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқ оғзаки ижодининг дидактик имкониятларидан оптимал тарзда фойдаланиш асосида алла, эртақ, мақол, топишмоқлар воситасида дастлабки маънавий-ахлоқий фазилатларни англаш кўникмасини шакллантириш танланган ҳамда илмий асосланган материаллар бўйича махсус ишлаб чиқилган методика доирасида амалга оширилди.

Тажриба-синов ишлари босқичма-босқич, турли метод ва усуллардан фойдаланилган ҳолда олиб борилди. Жумладан, мактабгача таълим ташкилотларида ўтказилаётган “Нутқ ўстириш”, “Бадиий адабиёт”, “Атрофимиздаги олам”, “Расм” машғулоти жараёнида, шунингдек, оилаларда оила-маҳалла-мактабгача таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган “Болани бешикка белаш”, “Алла айтай жоним болам”, “Аллаларнинг сеҳрли кучи”, “Болангизга эртак айтиб берасизми?”, “Эртакларга яширинган сеҳр”, “Эртаклар – яхшиликка етаклар”, “Мақолларнинг тарбиявий аҳамияти”, “Мақолларда ватанпарварлик ғояси”, “Топишмоқ – бу сирли жумбоқ” мавзуларида таълимий-тарбиявий тадбирлар, кўрик-танловлар, сахнаномалар мазмунида акс эттирилган маънавий-ахлоқий фазилатларнинг болалар томонидан талаб даражасида эгаллаб олиниши, эришилган натижаларни босқичма-босқич қиёсий ўрганиш натижалари назорат қилиб борилди.

Тадқиқотнинг якунида назарда тутилган халқ оғзаки ижоди намуналарининг таълимий-тарбиявий имкониятлари асосида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаларининг динамикаси кўрсатилди. Шунингдек, тажриба-синов ишларида илгари сурилаётган илмий фаразларнинг тўғрилиги асосланилди ҳамда зарур бўлган вазифаларга уларга мос ўзгартиришлар киритилиб, коррекцион ишлар амалга оширилди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишда изчиллик, узвийлик, хусусан халқ оғзаки ижоди намуналарини айнан мактабгача ёшдаги болалар ёшига, маънавий-ахлоқий, ақлий, эстетик жиҳатдан ривожланишларига самарали таъсир кўрсатувчи алла, эртак, мақол, топишмоқларнинг бир-бирига алоқадорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунинг учун ҳам, эксперимент доирасида тадқиқ этилаётган алла, эртак, мақол, топишмоқларнинг мактабгача турли ёшдаги болалар ёшига ҳамда психологик имкониятларига мослиги таъминланди.

Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди намуналари — алла, эртак, мақол, топишмоқлардаги маънавий-ахлоқий фазилатларни ўзлаштирганлик даражалари чақалоқлик давридан токи 6-7 ёшгача бўлган болаларнинг ёшига ва психологик имкониятларига мувофиқ тарзда аниқланди.

Унда тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мезонларга асосланилди.

Бу мезонлар пастдан юқорига ривожланиш жараёнини аниқлаш мақсадида мактабгача ёшдаги болаларнинг кўпроқ халқ оғзаки ижоди намуналарига бўлган муносабатини қайд этишда ва халқ оғзаки ижоди намуналари билан мунтазам онгли-манфаатли эҳтиёжида, алла, эртак, мақол,

топишмоқлар мазмунига сингдирилган маънавий-ахлоқий фазилатларни тушунишида ва ўз хатти-ҳаракатларида акс эттиришларида намоён бўлади.

Тажриба-синов ишлари тўрт босқичда, яъни таъкидловчи, изланувчи, шакллантирувчи ҳамда якунловчи босқичларда амалга оширилди.

Тадқиқот юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишларига, умумий 1067 нафар респондент жалб этилди. Шундан респондент-оналар 220 нафар, МТТ педагоглари 240 нафар, 607 нафар мактабгача ёшдаги респондент-болалар ташкил этди. Тажриба-синов ишлари республикамизнинг уч ҳудудида Фарғона вилояти, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассаларида ва оилаларда олиб борилди.

Экспериментал тадқиқотлар жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражалари тажриба бошида ва якунидаги натижаларни аниқлаш бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари кўрсаткичлари Стьюдент ва Фишер, Нейман ва Пирсон мезонлари асосида математик-статистик таҳлил этилди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири болаларнинг тажрибагача бўлган дастлабки билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса мактабгача ёшдаги болаларнинг тажриба охиридаги ўзлаштирилган билимининг ўртача баллари.

Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади.

Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Тажриба ва назорат гуруҳи ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотезани танлаймиз.

Тажриба бошидаги ва якунидаги тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижаларни умумлашган ҳолда қуйидаги жадвалларда акс эттирамиз.

1-жадвал

Респондент-болаларнинг халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш кўрсаткичлари (тажриба-синов боши ва охирида, тажриба ва назорат гуруҳлари)

Даражалар	Тажриба гуруҳлари $n_1=300$		Назорат гуруҳлари $n_1=307$	
	Тажриба-синов бошида	Тажриба-синов охирида	Тажриба-синов бошида	Тажриба-синов охирида
Паст	86 (29%)	24 (8%)	109 (35%)	95 (30%)
Ўрта	114 (38%)	90 (30%)	104 (34%)	110 (36%)
Юқори	100 (33%)	186 (62%)	94 (31%)	102 (34%)

2-жадвал

Респондент-педагогларнинг мактабгача ёшдаги болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш кўрсаткичлари (тажриба-синов боши ва охирида, тажриба ва назорат гуруҳлари)

Даражалар	Тажриба гуруҳлари $n_1=107$		Назорат гуруҳлари $n_1=113$	
	Тажриба-синов бошида	Тажриба-синов охирида	Тажриба-синов бошида	Тажриба-синов охирида
Паст	36 (34%)	14 (13%)	54 (47%)	47 (42%)
Ўрта	48 (5%)	20 (19%)	22 (19%)	30 (26%)
Юқори	23 (21%)	73 (68%)	37 (34%)	36 (32%)

3-жадвал

Респондент-оналарнинг мактабгача ёшдаги болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш кўрсаткичлари (тажриба-синов боши ва охирида, тажриба ва назорат гуруҳлари)

Даражалар	Тажриба гуруҳлари $n_1=115$		Назорат гуруҳлари $n_1=125$	
	Тажриба-синов бошида	Тажриба-синов охирида	Тажриба-синов бошида	Тажриба-синов охирида
Паст	40 (35%)	14 (12%)	54 (47%)	49 (39%)
Ўрта	50 (43%)	20 (18%)	37 (19%)	31 (25%)
Юқори	25 (22%)	81 (70%)	34 (34%)	45 (36%)


4-жадвал

Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаси кўрсаткичлари


Тажриба ўтказиш муддати	Гуруҳлар	Респондентлар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			юқори	ўрта	паст
Тажриба бошида	Тажриба	543	42	76	425
	Назорат	524	39	81	404
Тажриба якунида	Тажриба	543	73	269	201
	Назорат	524	41	97	386

Бу танланмаларга мос келган диаграмма куйидагича кўринишни олади

(6-расм).



Тажриба бошида ■



Тажриба якунида ■

6-расм. Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштирилганлик даражаси кўрсаткичлари

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда кўрсаткичлар математик-статистик таҳлил қилиниб, топилган натижаларни куйидаги жадвалда акс эттирдик (5-жадвал).

5-жадвал

Ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъудентнинг танланма мезони, Стъудент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	V_x	V_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_m	Δ_k
1,76	1,34	0,442	0,384	38,1	46,3	10,77	1045,5	148,1	0,06	0,05

Натижалардан тажриба ва назорат гуруҳи учун Нейман ғояси асосида ишончли интерваллари топилди:

$$\bar{X} - t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$

$$1,34 - 0,05 \leq a_y \leq 1,34 + 0,05$$

$$1,7 \leq a_x \leq 1,82$$

$$1,29 \leq a_y \leq 1,39$$

Олинган натижалардан тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X} = 1,76$; $\bar{Y} = 1,34$; $\Delta_x = 0,06$; $\Delta_y = 0,05$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yob} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{1,76 - 0,06}{1,34 + 0,05} = \frac{1,7}{1,39} = 1,22 > 1;$$

$$K_{obob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (1,76 - 0,06) - (1,34 - 0,05) = 1,7 - 1,29 = 0,41 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, тадқиқот натижалари халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш даражаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

Амалга оширилган илмий таҳлиллар, тақдим этилган методик ишланмалар ва тавсияларни умумлаштирган ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбек халқининг қадим даврлардан ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, фарзандларга аталган сабоқ, ўғит-насиҳатларни бадиий жиҳатдан қизиқарли ва мукамал тарзда сайқаллаб етказиш вазифасини ўтаб келган халқ оғзаки ижоди намуналари бугунги кундаги МТТ таълим-тарбия тизими учун муҳим таъсирчан манба эканлиги илмий жиҳатдан асосланди.

2. Мактабгача ёшдаги болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштиришнинг концептуал асоси бу жараённинг аксиологик, кадриятий, тизимли-фаолиятли, ривожлантирувчи компонентларига педагогик, психологик, фалсафий, перцептив ёндашувлар интеграциясига устуворлик беришда муҳим вазифа сифатида белгиланди.

3. Тадқиқот натижалари педагогика халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришда қуйидаги тамойилларга асосланиш лозимлигини кўрсатди: яхлит ёндашув; тарбияланувчига педагогик қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезувчи, индивидуал муносабатда бўлишни талаб этувчи шахс деб қараш; тарбиявий иш мазмуни, шакл ва методларини танлаб олишда табақалаштирилган ёндашув; табиат билан уйғунлик; маданият билан уйғунлик; тарбиявий жараёндаги муносабатларни ташкил этишга инсонпарвар ёндашув; кадриятли-мазмунли ёндашув имкониятлари аниқланди.

4. Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш муаммосини ҳал қилиш борасида болалар фольклори жанрлари орасидан шу ёшдаги болалар учун энг оптимал таъсир кучи ва педагогик имкониятига эга бўлган — алла, эртақ, топишмоқ, мақол каби жанр материаллари муҳим аҳамият касб этади. Бу жанрдаги асарлар билан танишув, уларнинг мазмун-

моҳиятини болаларга тушунтириш ва англантиш услубияти МТТ таълим дастурлари, мактабгача ёшдаги болалар учун махсус тузилган қўлланмалар мазмуни ва мундарижасига сингдирилиши кечиктириб бўлмас вазифалардан бири ҳисобланади.

5. Мактабгача ёшдаги болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашни янада такомиллаштириш доирасида оилалар, мактабгача таълим ташкилотлари, маҳаллалар ва жамоатчилик ҳамкорлигини ташкил қилиш масаласини ўрганиш, шунга доир тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқот натижалари асосида истиқболли режалар ва амалий тадбирларни белгилаш муваффақиятнинг муҳим омили сифатида белгиланди.

6. Миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоблардан билим ва қизиқарли маълумотларни олишга қизиқиш уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ишланма, йўриқномалар тайёрлаш, яратишнинг самараси беқиёс. Жумладан, биз тавсия этаётган “Шоу-технология”, “Ахборот-кўзгу” ва “Event” технологиялари халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш жараёнига сезиларли самарали таъсир кўрсатиши аниқланди.

7. Оила, маҳалла, мактабгача таълим ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган “Болани бешикка белаш”, “Алла айтай жоним болам”, “Аллаларнинг сеҳрли кучи”, “Болангизга эртак айтиб берасизми?”, “Эртакларга яширинган сеҳр”, “Эртаклар – яхшиликка етаклар”, “Мақолларнинг тарбиявий аҳамияти”, “Мақолларда ватанпарварлик ғояси”, “Топишмоқ – бу сирли жумбоқ” мавзуларида таълимий-тарбиявий тадбирлар, кўрик-танловлар, сахнаномалар; МТТ ходимлари учун биз томонимиздан ишлаб чиқилган “Алла – жоннинг роҳати”, “Эртаксеварлар давраси”, “Зарбулмасал”, “Ўйлаб, излаб, жавоб топ” каби қатор ўйин-машғулот ишланмалари мактабгача ёшдаги болаларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилди.

8. XXI аср болаларининг ҳам интеллектуал ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук ва баркамол бўлиши учун МТТда халқ оғзаки ижоди намуналарининг энг сара намуналари, уларнинг мазмун-моҳиятини бола онгу шуурига етказа биладиган субъект, таъсири ва самара сифатини таъминловчи методика ва оптимал шарт-шароитнинг бирлашуви ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

9. Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор мактабгача таълим ташкилотларида респондент оналар, тарбиячилар ва болаларнинг иштирокида халқ оғзаки ижоди намуналари

воситасида маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга оид биз илгари сурган мазмун ва методика кутилган самарани бериши тасдиқланди.

10. Глобаллашув, халқаро тажриба алмашиш, инновацион технологияларнинг оммалашуви шароитида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш муаммосининг янги ва янада мукаммал ечимлари юзага келиши эртанги кунимизнинг ҳам муҳим вазифаларидан саналади.

Тадқиқот жараёнида олинган асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

Мактабгача таълимнинг вазифалари: халқнинг бой миллий, маданий-тарихий мероси воситасида болаларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш: болаларда миллий ватанпарварлик хисларини ривожлантириш, билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилиш мойилликларини шакллантириб, уларни мунтазам равишда таълим жараёнига тайёрлаш, болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш, жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлашдан иборат.

Амалга оширилган илмий, назарий-методологик, методик ва амалий йўналишларини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тавсиялар ҳавола этилди:

1. «Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси» асосида 3–6 (7) ёшли болаларни маънавий тарбиялаш, уларда шахсий фазилатлар, жумладан, ўз туйғуларини бошқариш, ижтимоий мотивларни уйғотиш, миллий анъаналарга қизиқишни пайдо қилиш, яқин кишиларга ғамхўрлик қилиш каби эҳтиёжларни шакллантиришга қаратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш.

2. Мактабгача ёшдаги болаларда эзгу ва савоб ишларни ҳар куни ва ҳамиша қилишга тайёрлаш ва шунга кучли ички рағбат, эҳтиёж, интилиш фазилатларини таркиб топтириш.

3. Болаларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантириш зарур.

4. Сифатли ўқув-методик ва дидактик материаллар (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) ва бадиий адабиётларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган босма материалларни турли тилларда ишлаб чиқиш ва турларини ривожлантириш лозим.

5. Болаларда ижобий хулқ мотивларини шакллантириш бўйича «Бола азиз, одоби ундан азиз» мавзуида алла, эртак, мақол, топишмоқлар асосида мультимедиа, машғулотлар, ноанъанавий ўйин технологиялари, мужассам машғулотларни йўлга қўйиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги сайтида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ ижтимоий роликлар яратиш.

7. МТТ мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ўқув дастурлари мазмунига халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришга оид алоҳида фан жорий этиш.

8. Тарбиячи-педагогларнинг мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштиришга оид технологиялар билан қуроллантириш мақсадида “Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш” номли методик қўлланма яратиш ва амалиётга жорий этиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ Ph.29.12.2018.Ped.80.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ
РУКОВОДИТЕЛЕЙ И СПЕЦИАЛИСТОВ
ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ НИЗАМИ**

АБДУРАХИМОВА ДИЛФУЗАХОН АЛИЕВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОГО
ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА
ПОСРЕДСТВОМ ОБРАЗЦОВ УСТНОГО НАРОДНОГО ТВОРЧЕСТВА**

13.00.08 – Теория и методика дошкольного образования и воспитания

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1DSc/Ped89.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.vocedu.uz) и в информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	Абдуллаева Барно Сайфуддиновна доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Якуббекова Мунаввар Мухаматовна доктор филологических наук, доцент
	Кадирова Фатима Рашидовна доктор педагогических наук, профессор
	Хакимова Мухаббат Файзиевна доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский областной Чирчикский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится “___” _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD.29.12.2018.Ped.80.01 при Институте переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных организаций (Адрес: 100011, город Ташкент, Яккасарайский район, ул. Юсуфа Хос Хожиба, дом 64). Тел.: (99871) 150–01–27; факс: (99871) 150–01–27; E-mail: mtm-malaka.oshirish@exat.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений (зарегистрирована за № ___) (Адрес: 100011, г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Юсуфа Хос Хожиба, дом 64). Тел.: (99871) 150–01–27; факс: (99871) 150–01–27; E-mail: mtm-malaka.oshirish@exat.uz.

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2020 года.
(протокол рассылки № ___ “___” _____ 2020 г.).

К.Т.Олимов
Председатель Научного совета по
Присуждению ученых степеней, д.п.н., проф.

Д.О.Химматалиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н. (DSc)

Н.Х.Рахманкулова
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В системе дошкольного образования во всем мире все более усиливается потребность к совершенствованию образовательных программ, основанных на эффективных образовательных технологиях, используя образцы устного народного творчества в воспитании детей дошкольного возраста как личности с высокими духовно-нравственными качествами. В духовно-нравственном воспитании детей дошкольного возраста с использованием образцов устного народного творчества большое значение приобретают разработка эффективных учебных программ и стратегий обучения дошкольному образованию, внедрению умственного, духовно-нравственного воспитания посредством образцов фольклора, ведение научных исследований по использованию корейского, японского фольклора.

В устном творчестве народов мира педагогические идеи, мировоззрение, духовные переживания, духовно-нравственные идеалы, богатый жизненный опыт, национальные традиции, ценности и философия определенного народа в своеобразном образе изображены в поучительных и интересных рассказах, колыбельных песнях – алла, сказках и наставлениях этого народа. В мировом масштабе в процессе нынешней глобализации одними из актуальных направлений считаются разработке инновационных моделей и механизмов духовно-нравственного воспитания детей дошкольного возраста, совершенствование научно-методического обеспечения духовно-нравственного воспитания во взаимном сочетании образцов устного народного творчества с педагогическими технологиями и образовательными стратегиями, обеспечение получения детьми дошкольного возраста образования и воспитания в здоровой среде, качественная их подготовка к начальному школьному образованию.

В нашей республике в настоящее время особое внимание уделяется коренному реформированию системы дошкольного образования и воспитания, по овладению детей современными знаниями, профессиями на уровне мировых стандартов, развитию физически и духовно-нравственно совершенными личностями, проявлению их способностей и талантов, интеллектуального потенциала, повышению в душах молодого поколения чувств преданности Родине, самоотверженности в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определена приоритетной задачей «воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами».¹ По реализации данных приоритетных задач в стране приняты важные нормативно-правовые акты, направленные на дальнейшее развитие дошкольного образования, обеспечение его эффективной деятельности.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года за № УП-4947.// Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6, ст. 70.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан «О дошкольном образовании и воспитании» № ЗРУ-595, принятом 16 декабря 2019 года, указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, «О мерах по коренному совершенствованию управления системой дошкольного образования» от 30 сентября 2017 года № УП-5198, постановлениях главы государства «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы» от 3 мая 2019 года № ПП-4307, «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы дошкольного образования на 2017-2021 годы» от 29 декабря 2016 года № ПП-2707, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.² Исследования по совершенствованию системы духовно-нравственного воспитания детей дошкольного возраста проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе в Association for Educational Communications and Technology - АЕСТ (АКД1), Belfield pedagogical university (Германия), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Великобритания); Университете Чунг-Анг (Южная Корея), Педагогическом университете Мияги (Япония), Академии образования (Россия), Ташкентском государственном педагогическом университете (Узбекистан). В результате исследований, проведенных в мире по совершенствованию системы духовно-нравственного воспитания детей дошкольного возраста получен ряд научных, в частности, результатов: усовершенствованы организационные и стратегические механизмы осуществления международного сотрудничества по разработке технологий духовно-нравственного воспитания (Association for Educational Communications and Technology — АЕСТ); усовершенствованы механизмы эффективного функционирования системы по формированию социальных компетенций детей дошкольного возраста (Belfield pedagogical university); разработана система социально-психологических тренингов, направленных на эффективную организацию духовно-нравственной деятельности детей

² Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. P. 176-188.; Инчхонская декларация «Образование-2030: обеспечение всеобщего инклюзивного и справедливого качественного образования и обучения на протяжении всей жизни» // <http://unesdoc.unesco.org>; Ministère de l'Éducation Nationale, de l'Enseignement Supérieur et de la Recherche de France (2013): Lancement des Ecoles Supérieures du Professorat et de l'Éducation – Séminaire Préparatoire, Dossier de Présentation, Lundi 1er juillet 2013.

дошкольного возраста, проектирование воспитательных задач, позволяющих применение духовно-нравственных знаний в разных воспитательных ситуациях (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university); разработаны проектно-конструктивные технологии развития духовности личности ребенка дошкольного возраста (Университет Чунг-Анг); разработана технология формирования духовно-нравственного воспитания у детей дошкольного возраста посредством русского фольклора (Российская академия образования); совершенствование духовно-нравственного воспитания детей дошкольного возраста посредством образцов устного народного творчества проводится в Ташкентском государственном педагогическом университете (Узбекистан).

В настоящее время в мире, исходя из потребностей и требований образования, проводятся приоритетные исследования по повышению качества и эффективности дошкольного образования, созданию и применению методики и современных дидактических средств формирования компетенций воспитанников, формированию духовности у детей дошкольного возраста в следующих направлениях: расширение философских, психолого-педагогических возможностей духовно-нравственного воспитания детей дошкольного возраста; выбор, классификация образцов устного народного творчества, используемых в духовно-нравственном воспитании детей дошкольного возраста, определение их эффективности; совершенствование содержания методики развития духовно-нравственного воспитания, разработка новых теоретических концепций на основе концептуального проектирования по ее применению; создание учебно-методического и дидактического обеспечения духовно-нравственного воспитания детей дошкольного возраста посредством устного народного творчества.

Степень изученности проблемы. Проблема всестороннего воспитания детей дошкольного возраста приобретает исторический характер, в этом отношении в деле воспитания важное значение имеют научные и дидактические источники, созданные такими мыслителями Востока, как Абу Наср Фароби, Абу Али Ибн Сино, Аль-Хорезми, Абу Райхан Беруни, Алишер Навои.³

Исследования по всестороннему развитию детей в дошкольных образовательных организациях проводились такими отечественными педагогами, психологами, филологами и философами, как М.К.Абдухакимова, У.К.Адамова, З.Азизова, Б.Саримсоков, О.Сафаров, М.Якуббекова, М.Исмоилова, Р.Кодиров, Ф.Р.Кодирова, Д.Г.Бобоева, У.Бутаева, К.Окилова, Ф.Б.Валихужаева, Ф.Н.Вахабова, Б.Р.Джураева, Ҳ.М.Тожибоева, Х.А.Умарова, Ж.Г.Йулдошев, С.О.Газиева, Л.Р.Муминова, С.Т.Тургунов, С.Т.Исломова, М.Файзуллаева, Д.Ж.Шарипова, К.С.Шодиева,

